

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИ. МУАММО ВА  
ЕЧИМЛАР.**Аъзамжон Умаралиев***Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси**Магистранти*

**Аннотация:** *Ҳозирги глобаллашув, кескин рақобат шароитларида миллий иқтисодиётнинг юқори суръатларда барқарор ривожланишини таъминлашда фантехника ютуқларидан самарали фойдаланиш, уларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш биринчи даражали аҳамият касб этади. Мазкур тадқиқат ана шу стратегик вазифани ҳал этишда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг салоҳиятини интеграциялаш асосида инновация фаолиятини жадаллаштириш муаммоларига бағишланган.*

**Таянч сўзлар:** *интеграция, технологиялар, таълим, иқтисодий тараққиёт.*

Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашган тузилмасида давлат даражасида бевосита таълим ушбу шерикликнинг ҳал қилувчи бўғинидир. Шунинг учун ҳам тараққий этган давлатларда инновациявий иқтисодиётни ривожлантиришда илмий тадқиқот марказларига айланган университетлар асосий роль ўйнайди. Шу билан бирга олий таълим муассасаларида юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришлар учун мутахассислар тайёрлашда билим бериш (таълим – фан) ва кўникма ҳосил қилиш (таълим – амалиёт) анъанавий тизими амал этишининг ўзи кифоя қилмай қолди. Бугунги кунда инновациявий таълим бериш, яъни фан, таълим ва амалиётнинг интеграциялаштирилиши ҳам талаб қилинмоқда.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш стратегиясини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги Қарори жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур ҳужжатда илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларига татбиқ этишни рағбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг янада мустаҳкам алоқасини таъминлаш, илмий тадқиқот ташкилотлари ҳамда реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳозирги вақтда ўз таркибида 32 та илмий тадқиқот муассасаси, жумладан, 23 та йирик илмий тадқиқот институти, илмий марказ, ихтисослаштирилган конструкторлик технологик бюросига эга. Фанлар академияси илмфан ва таълим тизими интеграциялашувини мустаҳкамлаб бормоқда.

Мамлакат таълим тизимининг турли даражадаги илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда қатор қўшма кафедралар ташкил этилиши шу мақсадга қаратилган. Бакалаврият ва магистратура босқичи талабалари ушбу кафедралар базасида энг сўнгги тадқиқот ишланмалари билан танишиш, давлат илмий-техник дастурлари бўйича танлов лойиҳаларини бажариб, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда бевосита иштирок этиш имконига эга.

XX аср 90-йилларининг бошларида иқтисодчи олимлар илмфанни бевосита ишлаб чиқарувчи куч сифатида эътироф эта бошладилар. Билимга биринчи даражали аҳамият берилиши фақатгина фан-техника тараққиёти билан эмас, шунингдек инсон капиталининг янги сифат хусусиятлари, иқтисодиётда ахбороткоммуникация технологияларига асосланган янги секторларнинг пайдо бўлиши ва бошқа ижтимоий-иқтисодий воқеликлар билан изоҳланарди. Ана шу жараёнлар мужассамлаштирилган, 1996 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) томонидан эълон қилинган мўъжазгина «Билимларга асосланган иқтисодиёт» концептуал мақола иқтисодий тараққиётнинг янги босқичи бошланганлигидан дарак берди. Билимларга асосланган иқтисодиёт «моддий иқтисодиёт»дан «интеллектуал иқтисодиёт»га ўтишни назарда тутди. Бунинг моҳияти шундан иборатки, билимлар ва махсус ноёб кўникмалар барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи ва ҳал қилувчи омилига айланади.

Умуман олганда мамлакатлар ривожланиши даражасига мувофиқ уларнинг иқтисодиёти куйидагича таснифланади:

- иқтисодий ривожланишнинг саноат ривожланишидан олдинги босқичи. Бу босқичда иқтисодий ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи иқтисодиётнинг аграр сектори ҳисобланади;
- иқтисодий ривожланишнинг саноат ривожланиши босқичи. Бу босқич асосини саноат ишлаб чиқариш ва фан-техника тараққиёти ташкил этади;
- иқтисодий ривожланишнинг саноат ривожланишидан кейинги босқичи.

Бу босқичда юқори фан сифимига эга тармоқлар, шу жумладан ахборот технологиялари биринчи даражали аҳамият касб этади. Иқтисодий ривожланишнинг саноат ривожланиши босқичида фан-техника тараққиёти юқори технологияли тармоқларни ривожлантиришни рағбатлантиради, ишлаб чиқаришнинг механизациялаштирилиши ва автоматлаштирилиши ходимлар билими ва малакасига талабни оширади. Меҳнат жараёнлари механизациялаштирилиши ва автоматлаштирилиши натижасида мазкур тармоқдан бўшатилаётган ходимлар хизмат соҳасига ўтадилар ва иқтисодиёт саноат ривожланишидан кейинги босқичга ўтади.

Иқтисодий тараққиётнинг янги босқичи тўғрисидаги тушунчалар ва бу билан боғлиқ илмий ишланмалар ишлаб чиқариш моделлари асосидаги иқтисодий ўсишга турли омилларнинг таъсири ва миқдорини аниқлаш бўйича таҳлилий саъй-ҳаракатларининг натижаси бўлди. Билимларга асосланган иқтисодиёт ғояси замонавий иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучларига, иқтисодий ўсиш турли

мамлакатларда қандай намоён бўлишига, иқтисодий ўсишга қайси омиллар энг кучли таъсир кўрсатишига аниқлик киритишга имкон берди. Умуман XX аср охириги ўн йиллигига келиб замонавий иқтисодиёт қиёфасини тобора кўпроқ ахборот технологиялари, глобал рақобат, илм-фан сиғими катта бўлган тармоқлар белгилаётганлиги, улар малакали меҳнат таркибига, институционал ўзаро муносабатларга, ишлаб чиқаришни бошқариш услубларига жиддий ўзгартиришлар киритаётганлиги маълум бўлди.

Бу хулосадан келиб чиққан ҳолда, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотида фан, инновациялар, ахборот технологиялари ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиш бўйича академик тадқиқотларга киришилди. Ана шу илмий ишланмаларнинг натижалари Бенуа Годэннинг қатор илмий мақолаларида ёритилди.

Муаллиф ОЕСД доирасида олиб борилган тадқиқотларни умумлаштирар экан, «билимларга асосланган иқтисодиёт» концепцияси фан ва инновациялар соҳасидаги гоёлар ва қарашлар ҳамда мезонларнинг мужассами эканлиги тўғрисидаги хулосага келади. Бундай ёндашув илмийлик нуқтаи назаридан баҳсталаб бўлса ҳам мазкур тушунчанинг кенг қамровлигига эътиборни жалб қилади. «Билимларга асосланган иқтисодиёт» атамаси илмий муомалага Фриц Махлуп томонидан 1962 йилда «АҚШда билимларни яратиш ва тарқатиш» («The Production and Distribution of Knowledge in the United States») асарида иқтисодиёт секторларидан бирига нисбатан ишлатилган бўлса ҳам ҳозирги вақтда унинг таърифлари кўп. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мутахассислари билимларга асосланган иқтисодиётга шундай таъриф беришган: «Билимлар барча тармоқлар, барча секторлар, иқтисодий жараёнларнинг барча қатнашчиларини бойитадиган иқтисодиётдир. Айни пайтда бундай иқтисодиёт турли шакллардаги билимлардан фойдаланибгина қолмасдан, балки мазкур билимларни юқори технологияли маҳсулотлар, юқори малакали хизматлар, илмий маҳсулот ва таълим сифатида яратади».

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Национальные инновационные системы в России и ЕС. Серия «Инновационное развитие и коммерциализация технологий в России и странах ЕС: опыт, проблемы, перспективы». – М.: ЦИПРАН РАН, 2006. – 280с.
2. Никитская Е.Ф. Концепция управления инновационным потенциалом территориальных субъектов рынка [Электронный ресурс] //Интернет-журнал «Наукоеведение». – 2012. –№ 4(13). URL: <http://naukovedenie.ru/sbornik6/4.pdf>.
3. Усмонов Б., Қўшиев Ҳ. Ўқув-илмий комплекс - олий таълим муассаларини стратегик ривожлантириш дастурининг бош мезони //Интеллект-инфо. Илмий-амалий журнал. №1, 2014 10-14-б.

4. Цигляев В.А. Теоретические основы интеграции вузовской науки в национальную инновационную систему [Электронный ресурс] // Вестник Научно-исследовательского центра корпоративного права, управления и венчурного инвестирования Сыктывкарского государственного университета. URL: <http://koet.syktso.ru/vestnik/2011/2011-2/15/15.htm>.

5. Соколова В.В. Развитие инновационной инфраструктуры университета // Известия Российского государственного педагогического университета им. А.И. Герцена. – 2014. – № 166. – С. 53–59.

6. Федоров М.В., Пешина Э.В. Современные концепции управления знаниями // Стратегическое управление университетом. – 2012. – № 3(79). – С. 6–12.